

## ДАВЛАТ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА



Мамлакатимиз Президентининг жорий йил 28 февралдаги фармони билан тасдиқланган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим”да амалга оширишга оид Давлат дастурида иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, сув хўжалиги тизимини жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига камида 7 млрд. м<sup>3</sup> сувни тежаш, сув хўжалиги объектларида электр энергияси истеъмолини камайтириш чораларини кўриш, янги ерларни ўзлаштириш, сув тежовчи ва рақамли технологияларни жорий қилиш, 129 минг гектар майдонни фойдаланишга киритиш, сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида бошқаришни янада кенгайтириш шулар жумласидан.

Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида вазирлик томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2023 йил 22 февралда сув тежовчи технологияларни жорий этиш ва ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш ҳамда сув хўжалиги объектларига рақамли технологияларни жорий қилиш ҳисобига сув ресурсларини тежаш юзасидан амалий чора-тадбирлар тасдиқланди. Унга

кўра, жорий йилда жами 260 минг гектар майдонда сув тежайдиган суғориш технологияларини татбиқ этишнинг худудлар кесимидаги прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда бу борада жойларда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, алоқадор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тежамкор суғориш технологияларини жорий қилишнинг манзилли рўйхатларини шакллантириш, кредит ва пудрат шартномаларини расмийлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Тезкор маълумотларга қараганда, айти пайтга қадар жами 206,1 минг гектар майдонда сув тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича кредит шартномалари, 350,9 минг гектар майдонда ушбу технологияларни жорий қилиш бўйича пудрат шартномалари расмийлаштирилган.

Ушбу чора-тадбирлар натижасида 568,7 км канал, 125,9 км лоток тармоқлари, 71 та суғориш қудуғи, 200 млн. м<sup>3</sup> сув омбори, 19,9 м<sup>3</sup>/сек. насос станциялари, 600 км очик, 276 км ёпиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 101 та вертикал дренаж қудуғи, 62 та гидротехника иншоотида қуриш ва реконструкция ишлари бажарилади.

354 минг гектар майдонларнинг сув таъминоти ва 150 минг гектар майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Бугунги кунда “Сувқурилишинвест” давлат муассасалари буюртмачилигида 194 та ирригация, 100 та мелиорация объектлари бўйича манзилли рўйхатлар белгиланган тартибда тасдиқланди, ҳозирда аввалги йиллардан ўтувчи 84 та (75 та ирригация, 9 та мелиорация) объектга молиялаштириш очилган бўлиб, пудратчи ташкилотларга дастлабки 15% миқдорда аванс тўловлари амалга оширилди.

Ушбу объектлар кесимида тармоқ жадваллари тасдиқланиб, объектларда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Янгидан бошланувчи 210 та объект бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, экспертиза хулосалари олинган. “Шаффоф қурилиш” тизими орқали бош пудратчи ташкилотларни аниқлаш чоралари кўрилмоқда.

2022 йилда сув хўжалиги объектларига 6 610 та рақамли технологияларни жорий қилиш ишларининг манзилли рўйхатлари ишлаб чиқилди.

Сув хўжалиги вазири томонидан 2022 йилнинг 17 январидан рақамли технологияларни жорий қилиш режа жадвали тасдиқланди.

Рақамли қурилмаларни ўрнатиш учун талаб этиладиган маблағларни сув хўжалиги тизим ташкилотларининг харажатлар сметасига киритиш ишлари амалга оширилмоқда.

Жорий йилда республикаимиз бўйича 129 минг гектар ерларни фойдаланишга киритиш учун республика бюджетидан Сув хўжалиги

вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар, маҳаллий бюджет ҳисобидан қайта фойдаланишга киритиладиган ерлар ҳамда кластер, фермер хўжалиги ёки бошқа ташаббускорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қайта фойдаланишга киритиладиган ерлар лойиҳалари шакллантирилмоқда.

Бугунги кунда Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида бу борадаги манзилли дастурлар тасдиқланиб, вазирликка тақдим этилган. Қолган ҳудудлар бўйича ҳам манзилли дастурлар лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Ҳудудлардан олинган манзилли дастурлар умумлаштирилгандан сўнг норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

Соҳада амалга оширилаётган хорижий инвестиция лойиҳалари доирасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 3,03 млн. АҚШ долларига тенг (100%) кредитлар ўзлаштирилди, натижада 21,51 км каналлар ва улардаги 84 та гидротехника иншооти реконструкция қилинди, 5 та вертикал суғориш кудук бурғуланди, 460 га суғориш майдонлари лазерли ускуналар ёрдамида текисланди ва 430 га майдонда чуқур юмшатиш ўтказилди.

Шунингдек, дастурга асосан 181 та насос ва 354 та электродвигателларни янгисига алмаштириш бўйича тизим ташкилотларига уларни сотиб олиш учун талаб этиладиган маблағларини харажатлар сметасига киритиш ишлари амалга оширилмоқда.

**Азимжон Назаров,**  
**Сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари**

## ДАВЛАТ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА



“Инсонга эътибор ва сифатли таълим”да амалга оширишга оид Давлат дастурида бу йил сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига камида 7 млрд. м<sup>3</sup> сувни тежаш кўзда тутилган. Бунда сувни тежовчи технологияларни жорий қилиш ва ерларни лазер текислаш эвазига 3 млрд. м<sup>3</sup>, ирригация тармоқларида таъмирлаш-тиклаш тадбирлари ҳисобидан 3,1 млрд. м<sup>3</sup>, АКТ ва рақамли технологияларни жорий этиш, сув кам талаб қиладиган экинлар улушини кўпайтириш ва кўшимча агротехник тадбирларни амалга ошириш натижасида 0,9 млрд. м<sup>3</sup> сувни тежаш режалаштирилган.

2022 йилнинг 26 май ҳолатига жами 338,7 минг гектар майдонда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича пудрат шартномалари ҳамда 221,8 минг гектар майдонда кредит шартномалари расмийлаштирилди.

Бугунги кунда 90,7 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар, шундан 79,4 минг гектар майдонда томчилатиб, 11,3 минг гектар майдонда ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда.

Давлат дастурида жорий йилда янги ва фойдаланишдан чиққан 129 минг гектар майдонни ўзлаштириш вазифаси белгиланган. Қишлоқ хўжалиги

вазирлиги ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда фойдаланишга киритиладиган 129,6 минг гектар майдонда етиштириладиган 1,5 млн тонна маҳсулотлар тури ва миқдорининг манзилли дастурлари ишлаб чиқилган. 19 май ҳолатига 21 минг 726 гектар шундан, 9 минг 315 гектар суғориладиган ва 12 минг 411 гектар лалми ва яйлов ер майдонлари қайта фойдаланишга киритилган.

Президентимизнинг жорий йил 22 январда қабул қилинган “2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-98-сонли қарори асосида 2023 йилда 206 та ирригация, 100 та мелиорация объектларида умумий қиймати 1,5 трлн. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Ушбу чора-тадбирлар натижасида 568,7 км канал, 125,9 км лоток тармоқлари, 71 та суғориш қудуғи, 200 млн. м<sup>3</sup> сув омбори, 19,9 м<sup>3</sup>/сек. насос станциялари, 600 км очик, 276 км ёпиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 101 та вертикал дренаж қудуғи, 62 та гидротехника иншоотида қуриш ва реконструкция ишлари бажарилади.

354 минг гектар майдонларнинг сув таъминоти ва 150 минг гектар майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Бугунги кунда “Сувқурилишинвест” давлат муассасалари буюртмачилигида 219 та ирригация, 100 та мелиорация объектлари бўйича манзилли рўйхатлар белгиланган тартибда тасдиқланди. Ушбу объектлар кесимида тармоқ жадваллари ишлаб чиқилиб, объектларда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда.

2023 йилнинг 30 апрель ҳолатига ирригация-мелиорация объектларида 223,5 млрд. сўмлик ишлар бажарилди ҳамда 301,7 млрд. сўм молиялаштирилди. Ушбу маблағлар ҳисобига 50,5 км канал ва 35,1 км лоток тармоқлари, 1,0 км қирғоқ химоя, 1,7 км босимли қувур, 9 дона вертикал дренаж қудуғи ва 102,1 км коллектор тармоқлари қурилди ва реконструкция қилинди.

234 та объектга бош пудратчи ташкилотларни аниқлаш бўйича “Шаффоф қурилиш” электрон тизими платформаси орқали тендер савдоларини ўтказиш учун эълон берилган бўлиб, шундан 222 та ирригация-мелиорация объектларига бош пудрат ташкилотлари аниқланиб, пудрат шартномалари расмийлаштирилган.

Қолган 12 та объектга бош пудратчи ташкилотларни аниқлаш бўйича “Шаффоф қурилиш” электрон тизими платформаси орқали тендер савдоларини ўтказиш жараёни давом этмоқда.

2023 йилда сув хўжалиги объектларига 6 минг 610 та рақамли технологияларни жорий қилиш ишларининг манзилли рўйхатлари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, январь-апрель ойларида 308 та сув хўжалиги объектига “Ақлли сув” қурилмалари ҳамда 120 та мелиоратив кузатув кудуқларига сизот сувлари сатҳи ва минераллашганлик даражасини онлайн мониторинг қилиш қурилмалари ўрнатилди.

Сув хўжалиги объектларида электр энергияси истеъмолини камайтириш мақсадида инвестиция лойиҳалари доирасида 27 та насос станциясини модернизация, 263 км канал ва 787 та гидротехник иншоотларини реконструкция қилиш, тизимдаги насос станцияларида хизмат муддатини ўтаб бўлган 181 та насос ва 354 та электродвигателни алмаштириш белгиланган.

Бу борада январь-апрель ойларида 19,42 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар ўзлаштирилиши режалаштирилган бўлиб, амалда 29,43 млн. доллар (152%) ўзлаштирилди. Натижада, 79,3 км узунликдаги каналлар ва улардаги 234 та гидротехник иншоот реконструкция қилинди, 35 та вертикал суғориш кудуғи бурғиланди, 3 минг 620 га суғориш майдонлари лазер ёрдамида текисланди ва 2 минг 990 га ер майдонлари чуқур юмшатилади.

Сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик бошқарувига бериш бўйича 23 та лойиҳа юзасидан битимлар имзоланиб, реестрга киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 февралдаги “Айдар-Арнасой кўллар тизими бошқарувини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Сув хўжалиги вазирлиги муассислигида “Айдар-Арнасой кўллар тизими” масъулияти чекланган жамият ташкил этилиб, унинг вазифалари белгиланди.

“Айдар-Арнасой кўллар тизими” масъулияти чекланган жамиятига камида 30 млн. АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция киритиш ва бошқа шартлар билан маҳаллий инвесторга ташқи бошқарувга бериш кўзда тутилган.

**Матбуот хизмати**

## Давлат дастурининг Сув хўжалиги вазирлиги томонидан ижроси тўғрисида

2023 йил 1 ноябрь ҳолатига

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 28 январдаги фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим”да амалга оширишга оид Давлат дастурида иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, сув хўжалиги тизимини жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига камида 7 млрд. куб метр сувни тежаш, янги ерларни ўзлаштириш, сув тежовчи ва рақамли технологияларни жорий қилиш, 129 минг гектар майдонни фойдаланишга киритиш, сув хўжалиги объектларида электр энергияси истеъмолини камайтириш, сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида бошқаришни янада кенгайтириш шулар жумласидан.

Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида вазирлик томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

### 136-банд бўйича:

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш ва муқобил энергиядан фойдаланиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 315-сонли қарори билан 2022 йилдан бошлаб сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилган талабгорларга субсидия маблағларини ажратиш тартиби белгиланди.

Шу асосда “Агросубсидия” ягона ахборот тизимига онлайн аризалар топширилаётган бўлиб, ҳозирда туман ва ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан кўриб чиқилган 6 та ариза белгиланган тартибда қаноатлантирилган.

Бундан ташқари, вазирлик томонидан барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари учун ахборот алмашинувининг шаффоф механизмини йўлга қўйиш мақсадида “Томчи-реестр” пудрат корхоналарининг ягона электрон реестри ишлаб чиқилиб, ишга туширилди (<https://nwrmp.uz/tomchi/korxonona>).

Дастлабки пудрат ташкилотларининг реестри шакллантирилиб, баллик тизим бўйича ташкилотларни баҳолаш ишлари олиб борилмоқда.

### 137-банд бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини

ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-273-сонли қарорининг 1-иловаси билан жорий йилда 133,6 минг гектар ер майдонларини қайта фойдаланишга киритиш ва ўзлаштиришнинг прогноз кўрсаткичлари тасдиқланди.

1 ноябрь ҳолатига кўра, 53 955 гектар, шундан 34 102 гектар суғориладиган ва 19 853 гектар лалми ва яйлов ер майдонлари қайта фойдаланишга киритилди.

### **145-банд бўйича:**

2023 йилда кузатилган сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалиги экинларини сув билан ишончли таъминлашга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни белгилаш мақсадида жорий йил 10 майда Вазирлар Маҳкамасининг 243-сонли қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, Сув хўжалиги вазирлиги, йирик сув тақсимлаш иншоотлари ҳамда худудларда 769 та суғориш штаби ташкил этилди. 1 минг 469 та кўчма дизель ва бошқа турдаги насос агрегатлари кўшимча сув олиш учун коллектор-дренаж тармоқларига ўрнатилиб, фойдаланиш йўлга қўйилди.

Таҳлилларга кўра, 2023 йил суғориш мавсумида, яъни апрель-сентябрь ойларида 29 млрд. м<sup>3</sup> сув етказиб берилди. Мавсум давомида 6,5 млрд. м<sup>3</sup> сув тежалишига эришилди.

Етказиб берилган сув билан бу йил ғалладан мўл ҳосил олинди, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан ҳар йилгидек хирмон кўтарилиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, сувни тежаш чоралари кўриляётган бўлиб, йил охиригача яна 500 млн. м<sup>3</sup> сувни тежаш ва иқтисод қилинган сув миқдорини 7 млрд. м<sup>3</sup> га етказиш чоралари кўрилмоқда.

1. Вазирлик томонидан 2023 йилда жами 260 минг гектар майдонда сув тежайдиган суғориш технологияларининг вилоятлар кесимида прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилди. Жойларда вилоят ва туманлар ҳокимликлари томонидан ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, қишлоқ хўжалиги бошқармалари билан биргаликда 2023 йилда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш манзилли рўйхатлари тўлиқ шакллантирилди.

Бугунги кунда 379,9 минг гектар, жумладан, 88,4 минг гектарда томчилатиб, 12,6 минг гектарда ёмғирлатиб ва 4,7 минг гектар майдонда дискрет суғориш технологиялари жорий қилинди.

Бундан ташқари, 70,4 минг гектар майдонда кўчма эгилувчан қувурлар орқали ва 36,1 минг гектар майдонда эгатга плёнка тўшаб суғориш ишлари олиб борилди ҳамда 167,7 минг гектар экин майдонлари лазер ускунаси ёрдамида текисланиб, сувдан фойдаланиш самарадорлиги оширилди.



2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг тегишли мажлис баёнлари асосида жорий йил ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида 223 та ирригация, 100 та мелиорация объектларида умумий қиймати 1,2 трлн. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши белгиланган. Ушбу чора-тадбирлар натижасида 494,8 км канал, 144,8 км лоток тармоқлари, 71 та суғориш қудуғи, 200 млн. м<sup>3</sup> сифимли сув омбори, 11,2 м<sup>3</sup>/сек насос станциялари, 514,8 км очик, 229,9 км ёпиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 95 та вертикал дренаж қудуғи, 58 та гидротехника иншооти ва бошқа сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларини бажариш, 354 минг гектар майдонларнинг сув таъминоти ва 150 минг гектар майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишини таъминлаш режалаштирилган.

1 ноябрь ҳолатига кўра, ирригация-мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича жами 974,1 млрд. сўм ёки ажратилган йиллик лимитга нисбатан 81% капитал қўйилмалар лимити ўзлаштирилган ҳамда ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 10 ойликда 70 та объект, мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича эса 37 та объект фойдаланишга топширилган.

Хусусан, ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 223 та лойиҳа доирасида 870,0 млрд. сўм капитал маблағлардан 671,4 млрд. сўм ёки йиллик лимитнинг 77 фоизи ўзлаштирилиб, 275,5 км канал, 107,8 км лоток тармоқлари, 8,3 м<sup>3</sup>/с сув чиқариш қувватига эга бўлган насос станциялар, 15,3 км босимли қувурлар, 25 та гидротехника иншооти, 46 та суғориш қудуқлари қурилган ва реконструкция қилинган ҳамда 11,3 км қирғоқ химоя ишлари бажарилган.

Мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 100 та лойиҳа доирасида 338,1 млрд. сўм капитал маблағлардан 302,7 млрд. сўм ёки йиллик лимитнинг 90 фоизи ўзлаштирилиб, 472,9 км очик, 184,5 км ёпиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 5 та мелиоратив насос станция, 15 та кўприк, 91 та тик дренаж қудуқ ҳамда 341 та кузатув қудуқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилган.

Бу тадбирлар натижасида 165 минг гектар майдоннинг сув таъминоти, 98 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига эришилган.

3. Сув хўжалиги вазири томонидан 2023 йилнинг 17 январида рақамли технологияларни жорий қилиш режа-жадвали тасдиқланди. Унга кўра, йил якунига қадар сув хўжалиги объектларига 6 610 та рақамли технологияларни жорий қилиш ишларининг манзилли рўйхатлари ишлаб чиқилган.

Бугунги кун ҳолатига 2 407 та сув хўжалиги объектига “Ақлли сув” қурилмалари ҳамда 2 057 та мелиоратив кузатув қудуқларига сизот сувлари

сатҳи ва минераллашганлик даражасини онлайн мониторинг қилиш қурилмалари ўрнатилди ҳамда 11 та йирик сув хўжалиги объектларининг бошқарув жараёни автоматлаштирилди.

#### **146-банд бўйича:**

Сув хўжалиги вазирлиги томонидан давлат дастурининг ушбу топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида сув хўжалиги объектларида электр энергияси истеъмолини камайтириш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва 2022 йил 5 мартда тасдиқланган.

Тасдиқланган амалий чора-тадбирлар доирасида қуйидаги ишлар амалга оширилган:

Бугунги кунда амалда 100,57 млн. доллар маблағ ўзлаштирилди. Натижада, 248 км узунликдаги каналлар ва улардаги 589 та гидротехник иншоот реконструкция қилинди, 35 та вертикал суғориш қудуқ бурғиланди, 4 000 га суғориш майдонлари лазер ёрдамида текисланди ва чуқур юмшатилди.

Шунингдек, ҳисобот даврида 157 та насос ва 315 та электродвигатель қурилмалари харид қилиниши ва ўрнатилиши таъминланган.

Юқоридаги тадбирлар натижасида ҳисобот даврида 158,4 млн.кВт.соат электр энергия тежалишига эришилди.

#### **147-банд бўйича:**

Сув хўжалиги вазирлиги томонидан 2023 йилда давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича тармоқ жадвали ишлаб чиқилиб, тасдиқланган. Ҳозирги кунда, тармоқ жадвалида белгиланган лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, жорий йил 1 ноябрь ҳолатига умумий қиймати 73 млрд. 888 млн. сўм бўлган 52 та лойиҳа бўйича хусусий шериклар билан битимлар имзоланиб, реестрга киритилди. Бундан ташқари, Жиззах вилоятининг Дўстлик ва Мирзачўл туманларида жойлашган сув хўжалиги объектларини хусусий шерик бошқарувига бериш юзасидан лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, лойиҳа концепцияси тасдиқланди ҳамда тегишли хулоса олиш учун Молия вазирлигига тақдим қилинган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида жойлашган сув хўжалиги объектларини хусусий шерик бошқарувига бериш бўйича лойиҳа ҳужжатлари келишиш учун Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигига тақдим қилинган.

#### **179-банд бўйича:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Айдар-Арнасой кўллари тизими бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022

йил 22 февралдаги ПҚ-141-сон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Айдар-Арнасой кўллар тизими бошқарувини ташкил этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 26 мартдаги 136-сон, “Айдар-Арнасой кўллар тизими бошқаруви такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2022 йил 25 июлдаги 404-сон қарорлари қабул қилинди.

Шу билан бирга, “Айдар-Арнасой кўллар тизими” МЧЖ устав капиталидаги давлат улушини ишончли бошқарувга бериш учун маҳаллий инвесторни танлаш мезонлари ишлаб чиқилди ҳамда танлов ўтказиш комиссияси таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланди.

Танловни ўтказиш жараёнлари давом этаяпти.